

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

505 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси магистратурасига қабул
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг молия, банк ва солиқ тизимлари ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори айрим тармоқлари ва корхоналарида инвестиция фаолияти учун юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси бўйича 2017/2018 ўқув йилига қабул квоталари 1-иловага мувофиқ;

«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)» мутахассислиги бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт реал секторининг айрим тармоқлари ва корхоналари бўйича тақсимланиши 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси қабул комиссиясига Академияга кириш жараёнида магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентлар тўплаган балларининг рейтинг баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда Академиянинг қабул кўрсаткичларига белгиланган умумий квоталар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 июнь,
381-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 июндаги 381-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
магистратураси бўйича 2017/2018 ўқув йилига
ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ**

Т/р	Мутахассислик шифри	Мутахассисликлар номи	Жами	Шу жумладан:	
				давлат гранти	тўлов- контракт
1.	5А 230701	Банк иши (фаолият турлари бўйича)	55	18	37
2.	5А 230702	Банк ҳисоби ва аудит	12	5	7
3.	5А 230603	Инвестицияларни бошқариш (банк сектори учун)	27	7	20
4.	5А 230603	Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)	13	3	10
5.	5А 230601	Давлат молиясини бошқариш	33	17	16
6.	5А 230602	Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори	10	2	8
7.	5А 230902	Аудит (молия соҳасида)	5	3	2
8.	5А 231201	Сугурта иши	10	-	10
9.	5А 231301	Пенсия иши	15	10	5
10.	5А 230801	Солиқлар ва солиққа тортиш	20	10	10
Жами:			200	75	125

Изоҳ: «Давлат молиясини бошқариш» мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида: 2 (иккита) ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги учун, 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун, 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги учун ва 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги учун мақсадли равишда ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 июндаги 381-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)»
мутахассислиги бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт
реал секторининг айрим тармоқлари ва корхоналари бўйича
ТАҚСИМЛАНИШИ**

Т/р	Вазирлик, идора ва корхоналарнинг номлари	жами	Шу жумладан:	
			давлат гранти	тўлов-контракт
1.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	1	1	-
2.	Ахборот технологиялари ва коммуникациялари-ни ривожлантириш вазирлиги	1	1	-
3.	Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	1	1	-
4.	«Ўзбекнефтгаз» МХК	3	-	3
5.	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	2	-	2
6.	«Ўзенгилсаноат» АЖ	1	-	1
7.	«Ўзавтосаноат» АК	2	-	2
8.	«Навоий КМК» ДК	2	-	2
ЖАМИ:		13	3	10